

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 22 август, № 177 (7679) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БЕКТЕМИР ТУМАНИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ САНОАТ РИВОЖЛАНГАН ЗАМОНАВИЙ МАРКАЗГА АЙЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 август куни Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида бажарилаётган ишлар, саноат корхоналари фаолияти билан танишди.**



Пандемия туфайли вақтинча тўхтаб қолган корхоналар ўз фаолиятини тиклай бошлади. Лекин улар яна тўлиқ қувватга чиқиши учун вақт ва рағбат зарур. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармонлари ва видеоселектор йиғилишларида бу борада аниқ вазифалар белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда.

Президент дастлаб "Бектемир металл конструкциялари" масъулияти чекланган жамияти металлга қайта ишлов бериш заводига борди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 48 миллион доллар бўлиб, 2018 йилда ишга туширилган. Корхона йилига 65 минг тонна рухланган металл, 1 600 километр йўл тўсиқлари, 130 минг тонна пайвандланган қувур ва 17 минг дона ёритиш устуни ишлаб чиқариш қувватига эга.

Металл конструкцияларини иссиқ ҳароратда рухлаш Италиянинг Bisol S.p.A. ускунасида, халқаро меъёрлар ва сифат стандартлари даражасида амалга оширилмоқда. Бундай маҳсулотлар чидамлилиги, кўримлилиги ва ўрнатиш жараёнида қулайлиги билан афзал. Шунингдек, бу ерда Хитой, Жанубий Кореядан келтирилган замонавий технологиялар ўрнатилган.

Бугунги кунда ушбу корхонада ишлаб чиқарилган металл конструкцияларидан Тошкент шаҳри ва вилоятларда кенг фойдаланилмоқда.

Корхонада жами 375 нафар муҳандис ва ишчи меҳнат қилмоқда.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечириб, мутасаддиларга қўшимча кўрсатмалар берди.

**— Бу технологиялар ҳам, маҳсулотлар ҳам яхши. Лекин ҳар дам ривожланишни ўйлаш керак. Арзон, хавфсиз ва сифатли конструкциялар ишлаб чиқариб, корхонанинг қурилиш индустриясидаги ўрнини кенгайтириш зарур. Маҳсулот қачон арзон бўлади? Шароит яратсак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Бунга эришиш учун лойиҳалаштирувчи гуруҳ тузиш, Европа мамлакатлари, хусусан, Германия тажрибаси асосида корхонани саноат кластерига айлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

Шундан сўнг Президент тумандаги "Бинокор" масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш майдонига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг туманга аввалги ташрифи чоғида бу корхона фаолияти ҳақида тақдимот ўтказилган эди. Умумий қиймати 50 миллион доллардан зиёд бўлган лойиҳанинг биринчи босқичи 2018 йилда ишга туширилган. Бугунги кунда иккинчи босқичи фаолият бошлаш арафасида.

Бунинг учун янги мажмуага Германиянинг "Vollert", "Wurschum", Италиянинг "Maema", "Schnell", "AWM", Россиянинг "Точная Строительная Механика", "Грузоподъем", Польшанинг "Airpol" ва Испаниянинг "Azcona Y Pantoja SL" компаниялари билан ҳамкорликда замонавий технология ва дастгоҳлар келтириб ўрнатилган.

Шу ўринда эслаш жоизки, аввалги йигирма йилда кўп қаватли уйлар қуриш тажрибаси йўқ бўлиш ҳолатига келиб қолганди. Бунга ихтисослаштирилган автокранлар ҳам, мутахассислар ҳам етишмасди. Охирги уч йилда биргина Сергели туманида 460 та кўп қаватли уй барпо этилди. Мамлакатимиз бўйлаб бундай бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда.

"Бинокор" корхонасида тайёрланаётган темир-бетон панеллар кўп қаватли уйлар ва бошқа иншоотлар қуришда қўлланилмоқда. Ҳозиргача бу ерда 1 минг 200 дан зиёд муҳандис ва мутахассислар ишлаб, йилига 150 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқараётган эди. Корхона тўлиқ қувватга чиққач, йилига яна 180 минг квадрат метр қурилиш панели тайёрланиб, қўшимча 670 та иш ўрни яратилади.

Президент корхона фаолияти билан танишар экан, масъулияти чекланган жамиятнинг моддий-техника базасидан фойдаланиб, бу ерда ўқув-амалиёт комбинати ташкил этиш бўйича кўрсатма берди.

**— Мамлакатимизда катта-катта қурилишлар бўляпти, яна режалар кўп. Ёшларга замонавий қурилиш технологиялари бўйича етарли малака берсак, даромадлари ҳам икки-уч баробар ошади, — деди давлатимиз раҳбари.**

Шу ерда 2020 — 2022 йилларда Тошкент шаҳри ҳамда Бектемир туманида амалга ошириладиган экспорт ва инвестиция лойиҳалари бўйича маълумот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бектемир туманидаги "Prof-Milk" қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда чорвачилик билан бирга гўшт ва сутни қайта ишлаш тармоғи комплекс ривожлантирилмоқда. Хусусан, бугунги кунда сутни қайта ишловчи 600 дан зиёд корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларда тайёрланаётган сара маҳсулотлар элимиз дастурхонидан жой олди, хорижга ҳам экспорт қилиняпти.

"Prof-Milk" қўшма корхонаси шу ойда ишга туширилди. Лойиҳа қиймати 3 миллион доллар бўлган ушбу мажмуа Швейцариянинг "Tanotrade" компанияси ва "Toshelektroapparat" хусусий корхонаси ҳамкорлигида замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Бу ерда 50 киши иш билан банд.

Корхонада йилига 1,5 минг тонна маҳсулот, пишлоқнинг 10 га яқин тури ишлаб чиқарилади. Жорий йилда эса эритилган пишлоқ бу қаторни тўлдириши режалаштирилган.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Корхонани барқарор хом ашё билан таъминлаш, маҳсулотлар турини кўпайтириб, янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда "BARTEC TRADE" компанияси томонидан импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш лойиҳаси тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Бектемир туманидаги "Metal Processing" масъулияти чекланган жамиятда тайёрланаётган маҳсулотларни кўздан кечирди.

Умумий қиймати қарийб 34 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа саноатни маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини тўлдиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки тўқимачилик технологиялари ҳар беш йилда ўзгариб туради. Бундан ташқари, деталлари эскиради ё бузилади. Илгари оддий қисмлар ҳам четдан олиб келинарди.

"Metal Processing" МЧЖда тўқимачилик корхоналари буюртмаси асосида дастгоҳлар учун қоплама ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги 12 та йирик тўқимачилик мажмуаси билан ҳамкорлик ўрнатилган.

**— Узоқ йиллар давомида вазият шундай эдики, машаққат билан етиштирган пахтамиздан фойдани бошқалар кўрарди. Кейинги пайтларда унинг юртимизда қайта ишлаш даражаси кескин ошди. Тўқимачилик кластерлари пайдо бўлди. Уларнинг замини — пахтани қайта ишлаш. Бунинг учун эса илғор техникалар, сервислар керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Корхонада 85 нафар мутахассис фаолият олиб боради. Швейцариянинг "SkillSonics International AG" компанияси билан ҳамкорлик асосида металлга ишлов беришда жаҳон стандартларидан фойдаланиб келинмоқда.

**— Бундай корхоналарнинг "юраги" — муҳандис, конструкторлар. Афсуски, бизда кўп заводларнинг шундай "юраги" йўқ. Ақлли мутахассисларни топиб, қўллаб-қувватласак, маҳаллийлаштиришга катта ҳисса қўшади, — дея таъкидлади Президент.**

Шу ерда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедралари бўлимини очиб, амалиётни кенгайтириш лозимлиги қайд этилди. Кооперация асосида буюртмани кўпайтириш, корхона рентабеллигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Бектемир туманидаги "Cooperation LAB" тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш марказига ташриф буюрди.

"UzAuto Motors", "СамАвто", "JV MAN Auto — Uzbekistan", "General Motors Powertrain Uzbekistan" сингари корхоналарда замонавий автотранспорт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, кўплаб эҳтиёт қисмлар хориждан олиб келинмоқда. Бозор конъюнктураси ва саноат корхоналаридаги талабни таҳлил қилиш асосида янги эҳтиёт қисмларни ўзлаштириш чоралари кўрилмоқда.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ташаббуси билан Бектемир туманида "Cooperation LAB" тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш маркази шу мақсадда ташкил этилган.

Лойиҳа қиймати 2 миллион доллар бўлган бу масканда 50 киши иш билан таъминланган. Марказ "Ғоядан — растагача" тамойили асосида автомобилсозлик соҳасида тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, импортни камайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ўстиришга мўлжалланган.

Ҳудуддаги доимий ишлайдиган кўргазма павильонида "Ўзавтосаноат" ва бошқа компаниялар томонидан мамлакат автобозорига импорт қилинаётган бутловчи деталлар, хом ашё ва материаллар намойиш қилинади. Улар Ўзбекистон ҳудудида, жумладан, мавжуд корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмларини ва эҳтимолий йўналишларни намойиш этиш ҳамда импорт маҳсулотларни маҳаллийлаштириш учун тақдим этилади. Юртимиздаги хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ва бутловчи қисмлар импортини қисқартиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари марказнинг кооперация алоқаларига оид тақдимотлар билан танишди. Малакали конструктор ва олимларни жалб қилиб, янги техникаларни ўзлаштириш ва буюртма асосида етказиб бериш муҳимлиги таъкидланди.

Машинасозлик ва электротехника соҳасида кооперацияни кенгайтиришда янги очилган "Cooperation LAB" маркази катта салоҳиятга эга. Ушбу марказ тадбиркорларга "ғоядан — тайёр маҳсулотгача" инжиниринг, техник ечимлар ва бозор топиш имконини беради.

Шу ерда вилоят ҳокимларига тадбиркорлар гуруҳларини шакллантириб, марказ билан бирга саноат кооперациясидаги янги лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Марказда ишлаб чиқилган таклифларни "лойиҳалар фабрикаси" орқали молиялаштириш учун тижорат банклари билан ҳамкорлик ўрнатиш кераклиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев "Cooperation LAB" марказининг ўзида ҳудудларда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз саноатида маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми атиги 4 фоизни ташкил этмоқда. Шу боис маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, энди давлат харидларида юртимизда тайёрланган маҳсулотларга устуворлик берилиб, ишлаб чиқариш янада рағбатлантирилади. Жумладан, тендерда иккитадан кўп ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчи мавжуд бўлганда, фақат уларнинг маҳсулоти қатнашади. Шунингдек, маҳаллий маҳсулотларга импорт товарларга нисбатан 15 фоизлик нарх преференцияси берилади. Бундан буён бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган барча харидларда маҳаллий ҳокимият вакиллари бевосита иштирок этади.

Йиғилишда шу каби имкониятларни ишга солиб, локализация ва кооперацияни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Масалан, автомобиль саноатида импорт қилинаётган 1 минг 712 турдаги бутловчи қисмларни юртимизда ишлаб чиқариб, валюта харажатларини камида 150 миллион долларга камайтириш мумкинлиги қайд этилди. Ушбу маҳсулотларни ўзлаштирувчи ҳудудий корхоналарни аниқлаб, уларда юқори қўшилган қиймат яратиш вазифаси қўйилди. Автомобиллар таннархини камайтириб, бозорда рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация, ускуна ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш учун талаб ҳам, имкониятлар ҳам етарли. Масалан, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятларидаги тўла қувватда ишламаётган корхоналар ва сервис базаларида 120 дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш мумкин. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларига сифатли хизмат кўрсатадиган хусусий сервис корхоналари ташкил этиш ва ушбу соҳада мутахассис тайёрлаш кераклиги қайд этилди.

Электр техникаси, автомобиль саноати ва қишлоқ хўжалиги ўртасида кооперация алоқаларини чуқурлаштириш масалалари таҳлил қилиниб, тегишли вазифалар белгиланди.

**— Тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида ўзаро кооперация бўлмас экан, қўшилган қиймат занжирини ва янги индустриал тараққиётни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.**

Йиғилишда тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимлари ҳисобот берди.

Президент Бектемир тумани фаоллари билан учрашди.

Бектемир тумани Тошкент шаҳри саноатининг 10 фоизини таъминлайди. Жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда саноат маҳсулоти 9 фоиз, хизмат кўрсатиш 8 фоиз, экспорт 11 фоиз ўсган.

Учрашувда туманда янги "ўсиш нуқталари"ни топиш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш борасидаги режалар айтиб ўтилди.

Масалан, Бектемир туманига Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманларидан жами 1 минг 639 гектар ер ўтказилади. Натижада туман ҳудуди 3 минг 472 гектарга етади. Бунинг ҳисобига янги саноат ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этиш, минглаб иш ўринлари очиш имконияти яратилади.

Яқин уч йилда туманда умумий қиймати 3,3 триллион сўмлик 61 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, жорий йилда 52 та шундай лойиҳа ишга туширилиб, 2 минг 700 дан зиёд янги иш ўринлари яратилиши мўлжалланган.

Туманда ишсизлик даражаси 3,3 фоиз, жумладан, аёллар орасида 1,7 фоиз, ёшлар ўртасида 1,5 фоиз экани қайд этилди. Мактабгача таълим муассасалари етишмаслиги, қатор маҳаллаларда ички йўллар ҳолатининг ёмонлиги, коммунал тизимларда ҳам камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, камбағалликни камайтириш, уй-жойга муҳтож оилаларга уй ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини кескин ривожлантириш, янги ижтимоий объектлар барпо этиш, коммунал тармоқларни қуриш ва таъмирлаш, уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари маҳалла раислари, ёшлар етакчилари билан мулоқот қилди.

Бектемир тумани фаоллари билан учрашувдан сўнг давлатимиз раҳбари мамлакатимизда ишлаб чиқарилиши лойиҳалаштирилган махсус автомобилларни кўздан кечирди.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил январда Германияга расмий ташрифи чоғида "Ўзавтосаноат" АЖ ва "Volkswagen" концерни ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Унга мувофиқ, Жиззах автомобиль заводида 3 хил модификациядаги "Volkswagen Caddy" минивенини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Етти ўринли бу автомобиль турли соҳаларга ихтисослаштириш учун жуда мос келади. Шунингдек, "Isuzu" заводида ҳам қулай платформа мавжуд.

Маълумки, мамлакатимизда енгил автомобиллар, юк машинлари ва махсус техникалар ишлаб чиқарилиб, айнан шу йўналишдаги сегмент бўш эди. Қўшни давлатларда ҳам бундай автомобилларга эҳтиёж бор.

Шу мақсадда тажриба тариқасида "Volkswagen", "Skoda" ва "Isuzu" линиясида махсус машиналар намуналари тайёрланди.

Шавкат Мирзиёев бундай янги йўналиш импорт ўрнини тўлдириш ва экспортни кенгайтиришда муҳим эканини таъкидлаб, керакли кўрсатмалар берди.

Ушбу машиналар жорий йилнинг тўртинчи чорагида Жиззах автомобиль заводида йиғила бошлайди. 2022 йилдан ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўзлаштириш режалаштирилган.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси



# ХАЛҚ МАНФААТИ, АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА АКС ЭТМОҚДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлаш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Депутатлар ушбу ҳужжатлар муҳокамасида асосий эътиборни ҳудудларда олиб борган ўрганишлари натижалари, одамлар билан мулоқотларидан келиб чиққан хулосалари ва таклифларига қаратдилар.*

*Шунингдек, мажлисда долзарб масалалар юзасидан айрим мутасаддилар номига Қонунчилик палатасининг парламент сўрови юборилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.*

### Ҳокимларнинг ваколати қисқармоқда

Мажлисда депутатлар "Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Қуйи палатада жорий этилган янги амалиётга мувофиқ, парламентда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланаётган субъект вакили мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиш учун маъруза билан чиқиб, уни концептуал жиҳатдан асослаб берди ҳамда депутатлар олдида ҳимоя қилди. Ушбу масала юзасидан Олий суд раисининг ўринбосари Б. Исоқов сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, ер участкаларининг ҳокимлар томонидан олиб қўйилишига тақиқ белгилаш, ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини тугатиш бўйича ваколатларини чеклаш қонун лойиҳаси нормаларида ўз аксини топмоқда.

→ 2

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

*Ҳаёт синови туфайли қийин вазиятга тушиб қолган ёки бирон муаммоси ҳал бўлмаётган аксарият фуқаролар катта умид билан турли ташкилотларга мурожаат қилади. Масаласига ечим топилса-ку яхши, аммо акси бўлса-чи?*

## Мулоқот

Мамлакатимизда фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг янгича тизими йўлга қўйилгани ижобий самара беряпти. Бунда инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ, деган эзгу мақсад ва вазифалар ижроси ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани эътиборга молик. Айниқса, ҳозирги пандемия шароитида ушбу масалага ҳар бир идора мутасаддилари янада катта масъулият билан ёндашмоқда.

Буни Олий Мажлис Сенати виртуал қабулхонаси ва Сенат Раисининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали келаётган ҳар бир мурожаатга алоҳида эътибор билан қаралаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айтиш жоизки, парламент юқори палатасида фуқаролар мурожаати билан ишлаш тизимининг аниқ механизми йўлга қўйилган, шу боис сенаторлар халқ билан бевосита мулоқот қилиш орқали ҳудудлардаги реал ҳолатдан воқиф бўлмоқда, энг муҳими, муаммо ва камчиликлар жойида ҳал этилмоқда.

→ 2

# КОРХОНАЛАРНИНГ ҚАЙТА ИШ БОШЛАШИ

## тушумларни кўпайтириб, одамлар даромадини оширади

Муносабат

*Коронавирус пандемияси одамлар турмуш тарзига, даромадига, корхоналар фаолиятига, мамлакатлар иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади, албатта. Унинг оқибатларини бартараф этиш учун эса ҳар бир давлат ўз имконият ва шароитидан келиб чиққан ҳолда чоралар кўрмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам.*

*Айтиш жоизки, мамлакатимизда пандемия даврида одамлар даромади камайишининг олдини олиш, корхоналарга енгилликлар бериш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу масалалар давлатимизнинг доимий эътиборида. Президентимиз раислигида шу йилнинг 20 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳам бунинг яққол тасдиғи. Йиғилишда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудлар иқтисодиётини юксалтириш, пировардида одамлар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб бериш борасида кўплаб мулоҳазалар билдирилди. Истиқбол учун зарур топшириқ ва тавсиялар берилди. Муаммолар ечими муҳокама қилинди.*

*Газетанинг 3-саҳифасида видеоселектор йиғилишида мутасаддилар олдига қўйилаётган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча захираларни шакллантиришга доир режалар хусусидаги фикрлар билан танишасиз.*

# ХАЛҚ МАНФААТИ, АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА АКС ЭТМОҚДА

Шунингдек, лойиҳа билан ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ваколати Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига берилаяпти.

Корхоналарни (ташкилотларни) давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи нормалар ҳам қонун лойиҳасига киритилиши назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Ер кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши мулкдорлар ҳуқуқларини, уларни мулк ҳуқуқидан асоссиз равишда маҳрум этишдан ҳимоялайди. Шунингдек, ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарларнинг ўрни (шу жумладан, давлат томонидан) тўлиқ қопланиши, мулкдорларнинг давлатга ва унинг органларига бўлган ишончи оширилишига хизмат қилади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Маҳаллий Кенгашлар ўз девонига эга бўлади

Сўнгги йилларда маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилиб, ҳоким, унинг ўринбосарлари, прокуратура, адлия, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарларининг тегишли Кенгашлар олдида ҳисобдорлиги қонунларда белгилаб қўйилган бўлса-да, бу ишлар амалга оширилишини ташкил этиш, Кенгашлар фаолияти уйғун кечиши учун шарт-шароитлар яратиш кутилган даражада эмасди. Бунга эса халқ депутатлари Кенгашларининг ташкилий фаолиятига кўмаклашувчи бўлинманинг мавжуд эмаслиги, мазкур вазифа ҳокимликларнинг аппарати (ташкилий-назорат гуруҳлари) ихтиёрига ташлаб қўйилганди.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда депутатларнинг қонунчилик ташаббуси билан киритилган “Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш вазифасини эндиликда халқ депутатлари Кенгаши котибияти зиммасига юклаш назарда тутилмоқда. Котибият юридик шахс ҳисобланиб, унинг фаолияти тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Депутатларнинг қайд этишича, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятига бевосита кўмаклашувчи тузилмани ташкил қилиш орқали ҳокимликларнинг аппарати зиммасидан ўзига хос бўлмаган вазифалар соқит қилинади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юбориладиган бўлди.

### Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси яратилади

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳасида рақамлаштириш ва инновацион ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда географик ахборот тизимлари ҳамда веб-порталлар шакллантирилмоқда ва улар ёрдамида аҳолига ҳамда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатилмоқда. Хусусан, навигация хариталари, геопорталлар, интернет веб-сервисларнинг маълумотлар базаси фазовий маълумотлардан ташкил топган. Бунда космик суратлар, дронлардан олинган маълумотлар, хариталарда кўрсатилган ер, бино-иншоот, йўллар, дарёлар, кўприклар ва улар тўғрисидаги қўшимча маълумотлар фазовий маълумотларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Мажлисда биринчи ўқишда кўриб чиқилган “Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳим жиҳатлари билан аҳамиятга эга ҳужжат саналади.

Қонун лойиҳасини концептуал асослаш ҳамда депутатлар олдида ҳимоя қилиш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти, яъни Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси Ҳалилилло Тўрахўжаев маъруза билан чиқди.

Қонун лойиҳаси фазовий маълумотларни яратиш ва фойдаланиш ҳамда Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳаларида муносабатларни тартибга солишни назарда тутади.

Қизғин савол-жавоблардан сўнг сиёсий партиялар фракциялари қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарларини билдириб ўтдилар.

Депутатларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши билан бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланади, фазовий маълумотлар ва улардан фойдаланиш, мамлакатимизнинг Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини яратиш имкони вужудга келади. Шунингдек, фазовий маълумотларга кириш (фойдаланиш) ҳуқуқи ва уларни ҳимоя қилиш, фазовий маълумотларни яратиш ҳамда улардан фойдаланишда идоралараро алоқаларни йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асослари юзага келади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш бўйича ҳолат қандай?

Қишлоқ хўжалиги соҳаси, шунингдек, бошқа сув истеъмолчиларининг эҳтиёжларини таъминлашда дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, коллекторлар ҳамда бошқа сув объектлари захираларидан тежамли фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисда депутатлар ушбу долзарб масалани кўтариб чиқишди. Бу бежиз эмас. Чунки халқ вакиллари томонидан ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар мазкур соҳада муайян ишлар олиб борилаётганига қарамай, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш, мазкур ҳудудларда назоратни йўлга қўйиш борасидаги ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Сурхондарё вилоятидаги учта дарё — Тўполанг, Сангардак ва Шеробод дарёлари ҳамда Учқизил сув омборининг, Жиззах вилоятидаги Зоминсув, Нураксой ва Хўжамушкентсойнинг, Бухоро вилоятидаги 9 та кўлнинг, Наманган вилоятидаги 14 та кичик дарё ҳамда бошқа сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари тўлиқ белгиланмаган. Бундай ҳолатни бошқа ҳудудлардаги сув объектлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Депутатларнинг қайд этишича, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари (аниқ чегаралар) белгиланмагани уларни самарали назорат қилиш имкониятини чекламоқда. Шу билан бирга, уларга туташ ер майдонларининг ўзбошимчалик билан эгалланишига, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳудудидаги ер майдонларини бошқа мақсадлар учун ажратиш тўғрисида ноқонуний қарорлар қабул қилинишига ва низолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Биргина 2020 йилнинг олти ойи давомида тегишли органлар томонидан сувни муҳофаза қилиш ҳамда қирғоқбўйи ҳудудларида ўтказилган рейдлар ва мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, республика бўйича жами 950 та қонунбузарлик ҳолати содир этилган.

Дарё ўзанларини тозалаш, қум-шағал қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи 504 та корхона фаолияти ўрганилганда, уларнинг 170 тасида оқовани сув ҳавзасига рухсатсиз оқизиш, сувни муҳофаза қилиш зоналарида ноқонуний қум-шағал қазиб олиш, чиқиндилар жойлаштириш билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Раматовга “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисида”ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

### «Ўзстандарт» агентлиги бош директорига парламент сўрови юборилди

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида Навоий вилоятида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ўрганилган эди.

Ўрганиш давомида вилоятдаги тадбиркорлик субъектлари, жумладан, “Навоий” эркин иқтисодий зона иштирокчиси мақомини олган тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар чоғида уларни қийнаб келаётган қатор масалалар кўтарилганди. Хусусан, “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматларнинг айрим турлари муаммо туғдираётгани маълум бўлди.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ташаббуси билан кун тартибига киритилган “Ўзстандарт” агентлиги бош директорига парламент сўрови юбориш масаласи депутатлар томонидан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, тадбиркорлик субъектлари томонидан хориждан импорт қилинган товарларни эркин божхона режимига чиқаришда агентлик сертификатларини олиш учун ўртача 10 — 15 кун кутилмоқда. Хориждаги айнан бир етказиб берувчидан товарлар импорт қилганда бир хил товарга қайта-қайта сертификат талаб қилиняпти. Шунингдек, агентликнинг синов лабораторияларида мажбурий сертификация қилинадиган импорт товарларнинг мувофиқлигини ўрганишда етарли лаборатория жиҳозлари, ҳудудларда махсус синов лабораториялари мавжуд эмаслиги тадбиркорлар учун муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шулардан келиб чиқиб, “Ўзстандарт” агентлиги бош директорига “Импорт маҳсулотларини божхона текширувидан ўтказиш тизимини янада қулайлаштириш мақсадида вилоятларда агентликнинг махсус лабораторияларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўрови юбориладиган бўлди.

Унда тадбиркорлик субъектлари томонидан хориждан импорт қилинган товарларни эркин божхона режимига чиқаришда агентлик томонидан талаб қилинадиган сертификатларни бериш муддатини қисқартириш, синов ўтказишда таркиб топган илғор халқаро усуллардан кенг фойдаланиш, тадбиркорлик субъекти томонидан хориждаги доимий шерик — товар етказиб берувчидан бир хил турдаги товарларни олганда ҳар сафар товарларни қайта-қайта синовдан ўтказиш ва сертификат беришни соддалаштириш юзасидан кўрилаётган чораларга алоҳида эътибор қаратиш сўралди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Яқинда Жиззах вилоятида истиқомат қилувчи фуқаро М. Шунк Олий Мажлис Сенатига ижтимоий тармоқ орқали мурожаат йўллади. Унда баён этилишича, у уч йил давомида даволаниб келган, шу вақт ичида 11 маротаба жарроҳлик амалиётини бошдан кечирган. Охирги жарроҳлик амалиётидан кейин эса аҳволи оғирлашган. Фуқаро шифокорларнинг нотўғри жарроҳлик амалиёти туфайли ана шундай аҳволга тушиб қолганлигини билдирган.

Ушбу мурожаат юзасидан Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси О. Иминов Жиззах вилоятида бўлиб, вазиятни атрофлича ўрганди. Фуқаро М. Шункнинг ҳолидан хабар олиб, унинг муаммоларини бартараф этиш бўйича мутасаддилар билан учрашди. Сенатор аралашуви билан фуқаронинг муаммоси ҳал бўлди — кейинги жарроҳлик амалиёти ўтказилиши ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватланиши бўйича ҳам кўмак берилди.

Мазкур масала сенатор томонидан назоратга олинди. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор. Кўлами, моҳият-эътиборидан қатъи назар, бунга бефарқ қараб бўлмайди.

**«Халқ сўзи».**

# ТИЗИМ МАВЖУД, АММО АМАЛДА ИШ РИСОЛАДАГИДЕК ЭМАС

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти марказларининг фаолияти ўрганилди.*

## Назорат ва таҳлил

Бутун дунёда “шелтерлар” деб юритиладиган ушбу муассасаларнинг асосий вазифаси — оғир вазиятга тушиб қолганларга шошилинч аноним психологик, тиббий, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишдан иборат. Шу жиҳатдан, юртимизда фаолият юритаётган “шелтер”лар иши, айниқса, пандемия даврида алоҳида аҳамият касб этади. Шуни инобатга олган ҳолда, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ҳамда қўмита ташаббуси билан “Ишонч телефонлари”, телеграм бот каналлари ташкил этилди.

Ўтказилаётган назорат-таҳлил жараёнида юқорида қайд этилган марказлар фаолиятининг жабрдийдалар билан ишлаш бўйича дастур ва режалари ҳамда “Ишонч телефонлари” орқали келиб тушаётган мурожаатлар ижроси, моддий-техника базаси билан таъминланганлик даражаси ўрганиляпти. Шунингдек, марказлар ходимларининг маълумоти, тажрибаси, махсус тайёргарлик, профессионал салоҳиятига эътибор қаратиляпти. Марказларнинг хотин-қизлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя чораларини кўриш борасидаги ваколатли органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда олиб борилаётган ишлари ҳам таҳлил этилаётир.

Олинган натижалар айрим хулосалар чиқаришга асос бўлади. Афсуски, мазкур марказлар форматида ихтисослашадиган психолог ва ҳуқуқшуносларнинг етишмаслиги кузатилади. Марказларнинг самарали фаолият юритишида кадрлар масаласи ҳар доимгидан ҳам долзарб. Айрим ҳолларда ушбу марказларнинг ходимлари базавий психологик ва ижтимоий иш олиб бориш кўникмаларига эга эмас, бу эса улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатига бевосита ўз таъсирини ўтказади. Жойларда марказлар томонидан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт бирлашмаси, ички ишлар органлари, бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш етарли даражада яхши йўлга қўйилмаган.

Ачинарлиси, кўпинча оиладаги зўравонлик ёки оғир ҳаётий вазиятдан азият чеккан шахслар уларга ёрдам бериш имкони мавжуд ташкилотларнинг фаолияти тўғрисида етарлича хабардор эмас. Ҳудудларда бугунги кунда зўравонликка оид турли тилларда нашр этилган тарқатма материаллар етишмаяпти. Зўравонлик ҳолатларига “ҳар бир оиланинг шахсий иши” ёки “аралашув шарт эмас”, деган каби турли қарашлар мавжудлиги ҳам соҳада муаммолар туғдираётир. Тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки шунга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиши тартиби белгиланган бўлса-да, амалда суст қўлланиляпти. Оила-турмуш доирасидаги низоли вазиятлар юзасидан тузатиш дастурларидан ўтказиш маҳалла фуқаролар йиғинларига юклатилган. Лекин маҳаллаларда махсус психологик ёки ижтимоий иш кўникмаларига эга бўлган мутахассислар мавжуд эмаслиги фаолият самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Шу сабабли ишчи гуруҳга туманларнинг 4 та сектор раҳбарлари, прокуратура, ички ишлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни реабилитация қилиш марказининг вилоят ва туманлар мутасаддилари ҳамроҳлик қилдилар.

Ўрганишлар давомида туманларда ташкил этилган зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларида мазкур йўналишдаги муаммолар, таклиф ва мулоҳазалар ҳам муҳокама қилинди.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.**

## Сенатор мушоҳадаси

*Пандемия шижоатимизга барибир салбий таъсир кўрсатди. Чунки глобал муаммолар ҳамиша инсониятни шундай синовга дучор этади. Бироқ Ўзбекистон раҳбарияти ана шу вазиятда ҳам ўзи бошлаган кенг қамровли ислоҳотлар йўлида собит турди. Хўш, бу собитликни биз нимада кўришимиз мумкин?*

# БУГУНГИ КУН ЗИЁЛИЛАРИ

## ҚАНДАЙ БЎЛИШЛАРИ ВА НИМАЛАР ҚИЛИШИ КЕРАК?

Пандемия даврида санитария-гигиена талабларини тўла-тўкис бажариш, вирусдан ҳимояланиш ва касалликни даволашда халқаро ёрдам баробарида, ички имкониятдан фойдаланиш чораси ҳам кўрилмоқда. Хориждаги ҳамюртларимиз олиб келиняпти. Чет элда таҳсил олаётган ёшларни автоматик тарзда маҳаллий олий таълим муассасалари (ОТМ)га кўчириш, ОТМ ўқув лабораторияларини замонавий ускуналар билан таъминлаш, онлайн дарслар учун шароит яратиш, пандемия даврида олимлар, муаллимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ишлари изчил бажарилаётир. Электростанциялар қувватини ошириш, сайёҳлик зоналарини барпо қилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кластерлар тизимини шакллантириш юмушлари ҳам бир маромда давом этмоқда. Экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, тўқимачиликда брендлар яратиш, пилла ҳосилини тўла қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича қатор саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Шуларга мос равишда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” лойиҳалари рўёбга чиқариляпти. Архив ҳамда статистика соҳасини қайта ташкил этиш, оила ва маҳалла тизимини такомиллаштириш, барча йўналишда электрон маълумот базасини яратишга жиддий эътибор қаратилаётир.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари кучайса кучайдики, асло сусайгани йўқ.

Келинг, одилона таҳлил қилайлик, жорий йилнинг қарийб 240 куни ўтяпти. Халқига куюнчаклик билан меҳрибонлик қилаётган Президент деярли ҳар куни раҳбарлардан аҳволимизни сўраб турганини кўряпмиз. Жойларга бориб, аҳоли аҳволидан хабар олишга, янги лойиҳалар ижроси билан танишишга, деярли ҳар куни бугун ҳаётимиз учун зарур бирон соҳани таҳлил қилишга имкон топяпти.

Энди ўз фаолиятимизга бир назар солайлик. Эрталабдан кечгача нима ишни режалаштиряпмиз-у, нималарга эришяпмиз? Қарийб 240 кунлик муддатни нималарга сарфладик? Кимга ёрдамимиз тегди-ю, ким биздан нима ибрат олди?

Бу саволларни бежиз ўртага ташламадик. Унга бериладиган жавоб ҳар биримизнинг ҳаётга нуқтаи назаримизни белгилайди. Унга жавоб орқали мамлакатимиздаги ислоҳотлар моҳиятини англаймиз.

Тан олмоқ лозим, дунёни, атрофдаги воқеаларни англаш доимо осон кечган эмас, кечмайди ҳам. Негаки, унда ҳар ким ўз манфаатини ахтаради. Бундай пайтда турфа қарашлар ва талабларнинг бўлиши табиий. Айтайлик, икки мансабдор бир-бири билан ўчакишади, кимдир лавозимидан ажралади, кимдир йиллар давомида оқиб келган даромадидан маҳрум бўлади. Қайсидир ношуд раҳбар ишга яхши мутахассис ёки усти юпунни эмас, қариндоши ёки совға берганни олади. Кимдир оилавий келишмовчиликдан азият чекади. Кимнингдир қисқа муддатда замона қаҳрамонига айлангиси келиб қолади...

Хуллас, ҳамма даврда ҳам, ҳамма тизимда ҳам, ҳамма давлатда ҳам фаровонликка эришишда камчилик ва қарама-қарши манфаатлар бирга юради. Бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Худди ана шу нуқтада миллатнинг қаймоғи — зиёлилар зиммасига катта масъулият тушади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатяптики, миллат фидойилари аҳолини тўғри йўлга бошлашда, одамларнинг ўз тақдири учун масъулиятини оширишда катта кучга эга. Зеро, миллат тарихида жадид боболаримиз бундай жасоратни кўрсата олишган.

Ана шу жараёнга дунёвий нуқтаи назардан қараб кўрайлик. Жадидлар деҳқон ёки чорикор эмас, ўзига тўқ инсонлар фарзандлари, илмли, фикрли кишилар бўлган. Улар жамиятга теран кўз билан қарашган. Бу қарашларни нималарда кўришимиз мумкин?

Улар миллатни маърифатли қилиш ҳисобигагина яхши ҳаёт қуриш мумкин, деб ўйлаган. Натижада миллат болалари учун замонавий мактаб қурганлар, алифбодан тортиб барча дарсликларгача ўзлари ёзган, чоп этиб, мактабларга етказиб беришган. Бунинг учун тил ўрганган, қўлланмаларни таржима қилишган. Иқтидорли болаларни хорижга ўқишга юборишган.

Чор ҳукумати улар очган газетани неча марта ёпиб қўйса, яна шунча марта бошқа ном билан чиқараверган: қийналдик, деб “дод-вой” қилмаган. Дунёдаги аҳволни таҳлил қилиб, одамларга сиёсат моҳиятини тушунтирган. Уйларини, ҳовлисини мактабга бўшатиб берган. Бизда эса профессорнинг ойлик маошини 15 миллион сўмга ошириб қўйишса-да, яна пора оляпмиз, таъна қиляпмиз. Муаллимларга пандемия шароитида ойлик маошини сақлаб туриб, тағин моддий ёрдам кўрсатилса-да, уларнинг айримлари бир-бири устидан (эҳтимол, бекорчиликдандир) мағзава тўкиб, аризабозлик қилиб юришибди. Уларни Шакурий, Авлоний авлодлари дейишга тил бормайди.

Газета тахламларини варақлайман. Жадидлар мақолаларини ўқийман. (Надоматлар бўлсинким, аксарият зиёлиларда бунга вақт, ҳафсала, иштиёқ топилмаяпти). Бирор жойида нолиш йўқ. Миллатни маърифатга, бирлашишга чорлашади. Мисол учун, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қозоқ биродарларга мактубини олинг. Биз эса сал мансаб ёки манфаат тегмаса, миллатчилик қилишдан уялмаяпмиз. Энг ёмони, жамиятимизда ўзини оқлашга уриниш деган иллат тарқалди. Эътирозни қабул қилиш ўрнига, муаммо четда қолиб, фикр билдирган одамни ёмон кўришни ўргандик. Раҳбарни танқид қилиб, “обрў” орттиришдан тортинмаяпмиз.

Бугун жамиятда мулоқот, мунозара, баҳс учун ҳамма шароит яратилган. Ижтимоий тармоқлардан ташқари, давлат телерадиоканаллари, газеталари ҳам барчага бирдек очиб қўйилди. Аммо ҳамон бу минбардан ҳаётда омади чопмаган ёхуд ҳақиқатан ҳам адолатсизликдан жабр кўрганлар овозини эшитяпмиз. Ҳақиқий зиёлилар шу шароитда аҳолига давлат сиёсатининг моҳиятини тушунтириб, одамларни иллатларга қарши ҳамкорликка чорлаши, халқдаги бунёдкорлик хислатини кучайтиришга хизмат қилиши керак эмасми?

Маҳмудхўжа Беҳбудий “Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қўлидур” деган эди. Дарҳақиқат, зиёлилар қатлами катта куч. Шундай пайтда ҳар биримиз оиламиз, маҳалла ва жамоамизда одамларга янги Ўзбекистонда қилинаётган ишлар, биз кўзлаётган марралар ҳақида гапирсак, Ватан ҳақида тасаввуримиз янада ёрқин, маънавиятимиз эса бой бўлади, деб ўйлайман.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**




# СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР

## барча саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни талаб қилмоқда

*Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон халқи мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига асос бўлувчи улкан ютуқларни қўлга киритди, юртимизнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти мутлақо янги сифат босқичига кўтарилди. Бунда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар дастуриламал бўлиб хизмат қиляпти.*

## Нуқтаи назар

Ўзбекистон қўшни давлатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаётгани эса мамлакатларнинг ҳар жабҳада тез суръатларда ривожланишига кенг йўл очаётир.

Боз устига, бугунги кунда Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши биргаликда курашиш, трансчегаравий муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, атмосфера ҳавоси ифлосланиши ва биологик хилмахиллик қисқаришининг олдини олиш, айниқса, сув ресурсларидан самарали ва ўзаро келишган ҳолда фойдаланиш борасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари асосида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Сўнгги йилларда глобал экологик муаммолар кескинлашган шароитда мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология ҳамда наботот ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш муаммоларини босқичма-босқич ҳал этиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Айниқса, Оролбўйи ҳудудида олиб борилаётган амалий тадбирлар алоҳида эътиборга сазовор.

Шу билан бирга, ушбу соҳага оид миллий экологик қонунчиликни такомиллаштириш ҳам диққат марказимизда бўлди. Янги ишлаб чиқилаётган қонунлар ҳамда уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий, жумладан, биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган иқтисодий ва экологик сиёсатни рўёбга чиқариш учун қўшимча ҳуқуқий асослар яратиш, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масалаларини қонунчилик жиҳатидан самарали тартибга солиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини ошириш, қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш, жамоатчилик назорати тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилди.

Бироқ соҳадаги вазифаларнинг кўлами мамлакат миқёсида ва алоҳида минтақаларда экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит ҳолда ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Экологик партияси ҳозирги ва келгуси авлодларга мусаффо табиатни, санитария-эпидемиологик осойишталикни, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини амалга оширишда жамиятнинг бор куч-салоҳиятини бирлаштириш ва сафарбар қилиш, тизимдаги муаммоларни ҳал этишга интиляпти.

Хусусан, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб масалаларга ечим топиш учун тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар ишлаб чиқиш олдимиздаги муҳим вазифалардан биридир. Айни пайтда экологик барқарорликни таъминлашда ҳуқуқий асос бўлган мажмувий характерга эга Экологик кодексни ишлаб чиқиш бўйича ишлар жадаллик билан давом эттириляпти.

Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган заҳарли чиқиндилар миқдорини камайтириш, суғориладиган ерларнинг 25 фоизгача майдонида сувни тежовчи самарали технологиялар жорий этилишини таъминлаш, Орол денгизининг қуриган тубида 1,5 миллион гектар ер майдонини ўрмонзорлаштириш, аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотини 100 фоизгача етказишга эришиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга етказиш борасидаги ишлар ҳам фаоллик билан олиб борилмоқда.

Полиэтилен пакетлар ўрнига биологик чирийдиган пакетларни жорий қилиш, саноат чиқиндиси ҳисобланган фосфогипсни қайта ишлашни йўлга қўйиш, шаҳарлар атрофида “яшил қалқонлар”ни барпо этиш ва дарахтларнинг кесилишига қарши эълон қилинган мораторий ижроси назоратини олиб бориш ва унинг муддатини узайтириш ҳам эътиборимиздаги масалалардан.

Умуман, партиямиз, унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари ҳамда партиянинг кўп минг сонли фаоллари халқимиз фаровонлигини таъминлаш, инсонлар бахту камоли йўлидаги эзгу ишларда доимо камарбаста бўлишга бор куч ва ғайратини сафарбар этади.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси.**

# КОРХОНАЛАРНИНГ ҚАЙТА ИШ БОШЛАШИ

## тушумларни кўпайтириб, одамлар даромадини оширади

◄1

**Зоир МИРЗАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти ҳокими:**

— Пандемия даврида иқтисодиётнинг муайян қатлами, қайсидир маънода тўхтаб қолди ёки фаолиятини сусайтирди. Селектордан кўзланган мақсадни Президентимиз батафсил тушунтириб берди. Бу шундай иборатки, бугун пандемия туфайли вақтинчалик фаолиятини тўхтатган ёки иш ҳажмини пасайтирган, пул тушумларини камайтирган тадбиркорлик субъектларини таҳлил қилиб, уларнинг соҳалар, тармоқлар, йўналишлар ва энг асосийси, туман ҳамда шаҳардаги секторлар кесимида рўйхатини қилиб олиш ҳамда шу рўйхатга асосан уларга кўмак бериш зарур.

Қашқадарё вилоятида 662 та тадбиркорлик субъекти карантин пайтида ўз фаолиятини тўхтатган. Уларнинг бир қисми умуман ишламаган бўлса, бир қисми маълум даражада фаолият юритган. Улар билан ишлашимиз керак. Яна бир камчилигимиз 317 миллиард сўм эвазига бошланган лойиҳаларнинг 42 таси ҳали ишга тушмаган.

Бундан ташқари, 60 дан зиёд хизмат турларига фуқароларнинг ўзини ўзи расман банд қилиш механизмига асосан таҳлил қилганимизда, ҳозиргача режадаги ишсиз фуқароларнинг 62 фоизи бандлиги таъминланганлиги маълум бўлди. Демак, қолганлари билан ҳам ишлашимиз лозим.

Айтиш мумкинки, бу масъулият, қолаверса, кафолат селектори бўлди. Таҳлилар натижасида тўққиз ой якунлари ва йил охиригача нима қиламиз, деган саволларга жавоб топдик. Бажариш имконияти бўлган вазифалар қўйилди. Ижросини таъминлаш масъулияти ва шахсий жавобгарлик масалалари ҳам алоҳида таъкидланди.

**Рустам ХОЛМАТОВ,**
**Тошкент вилояти ҳокими:**

— Йиғилишда тадбиркорликни ривожлантирмасдан туриб, бандлик масаласини ҳал қилиб бўлмаслиги, иқтисодий кўрсаткичлар ижросини таъминлаш мушкуллиги таъкидланди.

Тошкент вилоятидаги 70 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларидан 5096 таси пандемия туфайли ишлаб чиқаришини камайтирган. Озиқ-овқат саноати, туризм, транспорт йўналишидаги корхоналарда пасайиш сезилди. Лекин ҳозирги кунга келиб, уларнинг мингдан зиёдида ишлаб чиқариш пандемия давридан аввалги ҳолатга етди. Қолганларини ҳам ҳар биттасининг муаммосидан келиб чиқиб, сентябрь ойининг ярмида тўла-тўкис аввалги ҳолатга етказиш бўйича ҳисоб-китобларимиз мавжуд.

Президентимиз ҳар бир туман, шаҳарлар бўйича тизимли ишлаш, олдинги иқтисодий кўрсаткичларга чиқиш борасида кўплаб топшириқлар берди. Булар бўйича ишларни олиб борамиз.

**Қобил ТУРСУНОВ,**
**Навоий вилояти ҳокими:**

— Видеоселекторда нафақат тадбиркорликни ривожлантириш, балки аҳолини камбағалликдан чиқаришда муҳим омил саналадиган бюджет тушумини кўпайтириш бўйича ҳам бир қанча топшириқлар олдик.

Ўтган йили вилоятимизда кичик бизнес субъектлари сони 7100 дан ошган бўлса, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида улар сафига 2900 дан зиёд субъектлар қўшилди. Бу пандемия даврида ҳам Ўзбекистонда иқтисодий ўсишлар кузатилаётганидан дарак беради.

Йил бошида "темир дафтар"га киритилган 18 мингта оиланинг 52 фоизи бандлиги таъминланиб, ушбу дафтардан чиқарилди. Олдимизда турган муҳим вазифа "темир дафтар"га киритилган оилаларни йил якунига қадар рўйхатдан тўлиқ чиқариш.

Жорий йилда 2,2 триллионлик 645 та лойиҳани ишга туширишни ўз олдимизга режа қилиб олганмиз. Бунинг натижасида 12 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади.

**Хайрулла БОЗОРОВ,**
**Наманган вилояти ҳокими:**

— Камбағаллик қачон вужудга келади, қачонки оилада даромад манбаи бўлмаса. Агар биз иқтисодиётимиз ўсишини таъминласак, ўз-ўзидан халқимиз ишли бўлади. Ишли бўлдими, даромад манбаига эга бўлади, камбағалликдан чиқади. Бу айни ҳақиқат.

Йиғилишда ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Умумий ҳисобда 18 триллион бўлган турли лойиҳалар билан шуғулланяпмиз. Бунинг натижасида Наманган вилояти бўйича 75 600 та янги иш ўрни яратилади. Бу орқали, энг аввало, "темир дафтар"га киритилган оилалар даромадини ошириш чораларини кўрамиз. Асосий мақсадимиз вилоятимизда йил якунига қадар камбағал оилаларни тўлиқ бартараф қилиш.

Йиғилишда ҳар бир ҳокимга, сектор раҳбарларига коронавирус пандемияси туфайли ишламаётган корхоналарни қайта ишга тушириш, қўшимча ресурсларни ишлатиш ҳисобига ҳар бир ҳудуд иқтисодиётини юксалтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

**Мубин МИРЗАЕВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:**

— Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида жойларда туман ҳокимлари бошчилигида қўшимча ресурсларни аниқлаш ва маҳаллий бюджетга маблағларни тушириш орқали ишсиз аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Давлат солиқ қўмитасига ҳам бир қатор топшириқлар берилди. Бирinchi навбатда, "хуфиёна иқтисодиёт"да фаолият юритаётганлар легаллаштириш ҳисобига қўшимча камида 500 миллиард сўмлик маблағларни аниқлаб, уларни Давлат бюджетига тушириш масаласи қўйилди.

Яна солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига 2020 йилда Давлат бюджети параметрлари ижросини ўз вақтида таъминлаш ва "темир дафтар"га тушган кам таъминланган аҳолига ёрдам пулларини бериш бўйича аниқ топшириқлар олдик.

**Адҳам ЗИЁВУДДИНОВ,**
**Марғилон шаҳар ҳокими:**

— Видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларни иш билан таъминлаш бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Марғилон шаҳрида 3100 дан ортиқ корхоналар мавжуд бўлиб, пандемия даврида 485 та корхона ўз кўрсаткичларини камайтириб юборди. Хусусан, "Олтин водий" корхонаси январь ойида 6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, июль ойига келиб бор-йўғи 1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган.

Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқарган маҳсулотига бозорда талаб камайиб кетганлигидир. Ушбу корхона август ойида ўзининг фаолиятини қайта тиклади. Ишчилар ўз ўрнига қайтди. Натижада бу ерда август ойида 4 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиши кўзда тутилмоқда.

**Илҳом МАТКАРИМОВ,**
**Тахиатош тумани ҳокими:**

— Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ҳудудларда ишга солинмаган имкониятлар борлигини таъкидлаб, уларни оқилона ишга солиш, кооперация орқали янги корхоналарни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

Туманимизда маҳаллий бюджет тушумини ортиқча бажариш манбаларига тўхталадиган бўлсак, Тахиатош ИЭСнинг янги қурилаётган иккита буғ-газ қурилмасидан чиқадиган иссиқ сувдан самарали фойдаланиш мақсадида 54 гектар майдонда гидропоника усулида иссиқхона қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиққанмиз. Бунинг натижасида 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиб, бюджетга ҳар йили 2,5 — 3 миллиард сўм маблағ туширамиз.

Бундан ташқари, туманда иқтисодий дастурлар доирасида банк кредитлари ҳисобидан жами 14 лойиҳа ишга туширилиб, 200 га яқин янги иш ўринлари яратилиши баробарида, бюджетга 1,6 миллиард сўм тушум таъминланади.

**Аъзамхон БАҲРОМОВ,**
**Каттақўрғон тумани ҳокими:**

— Йиғилишда Президентимиз томонидан ҳудудларда тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича захиралар кўплиги кўрсатиб ўтилди. Шу маънода айтадиган бўлсак, март ойининг бошида туманимизда 11 400 нафар ишсиз фуқарони аниқлаган эдик. Уларни иш билан таъминлаш учун иқтисодиётнинг ўсиш нуқталарини ўзимиз учун белгилаб олдик.

Пахтачилик ва ғаллачиликда жуда чуқур ислоҳотлар ўтказдик. Фермерлар ҳамда кластерлар муносабатини такомиллаштириб, янги техника ва технологиялар олиб келдик. 330 тонна пилла етиштирдик. Биргина ушбу йўналишда 4 мингдан ортиқ хонадонларда 5 мингдан зиёд аҳоли мавсумий иш билан таъминланди.

Туманимизда минг гектар жойга томчилатиб суғориш технологияси асосида қулупнай экилади. Мана шунинг ҳисобига 5 минг одам иш билан таъминланади. Эрта баҳорда лалми ерларда 70 гектар майдонга ҳомийлар ва маҳаллий бюджет ҳисобидан қудуқлар қазиб, сув чиқариб, ток кўчатлари экилди, уни 50 сотихдан 140 та камбағал оилага текинга бердик. Ток уч йилда ҳосилга киради. Лекин улар шу йилдан унинг орасига турли экин экиб даромад олишяпти. Насиб қилса, туманимизда йил охиригача камбағал оила қолмаслиги керак. Бугунги ҳаракатларимиз шунга қаратилган.

**«Халқ сўзи».**

## БИЗ ва ЖАҲОН

# ЎЗБЕКИСТОН ВА КАНАДАНИНГ АЛБЕРТА ВИЛОЯТИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА

*Ўзбекистоннинг АҚШ ва Канададаги элчиси Жавлон Ваҳобов Алберта вилоятининг Иқтисодий ривожланиш, савдо ва туризм вазирлиги Халқаро алоқалар департаменти директори Крис Райан билан музокаралар ўтказди.*

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Алберта вилояти Канаданинг ғарбий қисмида жойлашган, жанубдан АҚШнинг Монтана штати билан чегарадош 10 та вилоятидан биридир. Пойтахти — Эдмонтон шаҳри, энг йирик шаҳри эса Калгари. Алберта ялпи ҳудудий маҳсулоти 247 миллиард долларни ташкил қилади. Нефть саноати ва қишлоқ хўжалиги, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари соҳасида юқори салоҳиятга эга ҳудуд. Алберта табиий газни экспорт қилиш бўйича дунёда иккинчи, уни ишлаб чиқариш бўйича эса тўртинчи ўринда туради.

Мамлакатимиз элчиси Ўзбекистонда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, нефть-газ ҳамда тоғ-кон саноати, шунингдек, энергетика, таълим ва туризм каби соҳаларда Алберта вилояти билан ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

Крис Райан, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни экспорт қилиш муҳим ўринни эгаллаши нуқтаи назаридан Ўзбекистон ҳамда Алберта иқтисодиёти бир-бирига ўхшашлигини таъкидлади. Юртимиз билан ўзаро муносабатларнинг истиқболли йўналишлари сифатида қишлоқ хўжалиги, мол гўшти етиштириш, қайта ишлаш, қадоқлаш, шунингдек, суғоришнинг замонавий технологияларини жорий этиш соҳаларига алоҳида эътибор қаратди.

Алберта мол гўшти ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, қорамоллар сони бўйича Канадада етакчи вилоят ҳисобланади. Крис Райаннинг сўзларига кўра, ушбу ҳудуд истеъмол бозорининг асосий ишлаб чиқарувчиларидан биридир, шунингдек, жун ишлаб чиқариш ҳамда чорвачилик соҳасида ҳам имкониятлари юқори. Мазкур ҳудуднинг қулай табиий-географик жойлашуви, иқлим шароити ва бошқа шу каби омиллар соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, бу ерда асаларичилик қишлоқ хўжалигининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Канада томони билан музокаралар жараёнида Алберта сармоядорларини Ўзбекистондаги газ конларини қидириш, қазиб олиш ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга жалб қилиш истиқболлари ҳам муҳокама этилди. Крис Райан бу борада кўмак беришга тайёр эканини таъкидлади. Қолаверса, Алберта вакили таълим соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш йўлларини ўрганишга ҳозирлигини ҳам маълум қилди. Бу маданий-гуманитар алоқаларнинг муҳим йўналишларидан бири экани қайд этилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик масалалари ҳақида ҳам сўз борди.

Ташқи савдо вакилининг таъкидлашича, туризм Алберта саноатининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, ҳудуд иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшади. Масалан, бу ерга йиллик ташриф буюрувчи сайёҳлар сони 36 миллионни, туризмдан келиб тушадиган даромад ҳажми эса 8 миллиард долларни ташкил этади. Крис Райан Албертадаги компаниялар билан турли сайёҳлик инфратузилма объектларини яратиш, поездларни бошқариш ва туризм хизматларини тақдим этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишда кўмак кўрсатишга тайёрлигини маълум қилди.

Суҳбат давомида туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида Тошкент ва Эдмонтонни биродарлашган шаҳарлар, дея эълон қилиш масаласи муҳокама этилди.

Канада томони Ўзбекистон ишбилармон доираларининг Алберта шаҳрига ташрифини ташкил қилиш ва ундаги шаҳарларда бўлиш дастурини ишлаб чиқиш бўйича ҳам ҳар томонлама ёрдамлашишга тайёр эканини айтди. Ўз навбатида, савдо ва инвестиция соҳасида икки томонлама доимий мулоқотни олиб бориш бўйича келишувга эришилди.

**Шавкат ОРТИҚОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

## Долзарб мавзу

*Ҳозирги пандемия шароитида Ўзбекистон банк тизимида банклар трансформацияси жараёнини фаоллаштиришга зарурат янада ортган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Президентимизнинг жорий йил 12 майдаги "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони ўз вақтида қабул қилингани билан муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари бошчилигида 6 июль куни 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича ўтказилган йиғилишда ушбу йўналишдаги аниқ вазифалар белгилаб олинди.*




### Трансформация ўзи нима?

Дарҳақиқат, бугун "трансформация" деган сўзга жуда кўп дуч келяпмиз. У турли анжуманларда, оммавий ахборот воситалари орқали бот-бот ишлатилмоқда. Хўш, трансформация ўзи нима? Унга бунчалик жиддий эътибор қаратилаётганининг боиси не? Бу саволларга, аввало, мазкур тушунчанинг мазмун-моҳиятидан жавоб топиш мумкин. Трансформация, бу — дунёдаги бизнесни янги шароитларга, жамиятни имтиёзларга мослаштирадиган муқаррар жараён ҳисобланади. Лекин у банкларга нима учун керак ва қандай амалга оширилади? Қуйида шулар хусусида фикр юритамиз.

Ўзбекистон банк тизимида сўнгги йилларда сифат ва хизматлар кўламини ошириш бўйича қатор ишлар бажарилди. Бироқ жаҳонда бўлаётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёни, рақобатбардошликнинг ҳаддан зиёд ривожланиши, тижорат банкларининг трансформация жараёнини янада фаоллаштириш, мижозларга кўрсатилаётган банк хизматларини янги босқичга олиб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Аёнки, банк ҳисобварақларни очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс ҳисобланади. Шунингдек, истеъмолчилар банк ва банк хизматларини танлашда эркиндир. Банклар истеъмолчининг талабига биноан унга банк хизматларини кўрсатиш шартлари билан танишиш имкониятини тақдим этади.

Банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури ҳам анчагина. Уларни тўғри йўналтириш ҳамда самарали фойдаланиш эса жамият ва иқтисодиёт равнақида муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, тижорат банкларининг ишончлилигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Тижорат банклари ишончлилигининг йўқолиши эса иқтисодий жараёнларга салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозир бутун дунёда давом этаётган пандемия ҳолати глобал иқтисодий инқирозни юзага чиқармоқда. Бундай ҳолатда тижорат банклари ишончлилигини ошириш ўта муҳим. Хусусан, Ўзбекистонда банкларнинг активлари билан пассивлари муддати, ҳажми ва фоизининг номутаносиблиги, банкларда узоқ муддатли ресурслар камлиги, депозит мультипликаторининг яхши ишламаётганлиги каби омиллар банкларнинг ликвидлилигини таъминлашга салбий таъсир этиши мумкин. Ваҳоланки, банклар учун энг муҳим капитал уларга бўлган ишончдир. Бунга улар мижозлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариши билан эришади.

Ликвидлилик умумлашган кўрсаткич бўлиб, банк фаолияти ишончлилигини кўрсатади. Агар банклар мижозлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва ҳеч қандай йўқотишларсиз бажара олса, ушбу банк ликвидли ҳисобланади.

Банкда ликвидлилик таваккалчилигининг ошиши тўлов қобилиятини сусайтириб, уларга бўлган ишончни камайтиради. Шунинг учун ҳам банклар ликвидлиликка алоҳида аҳамият бериши ва у бўйича таваккалчиликни доимий равишда бошқариб бориши керак бўлади. Банклар ўзларига бўлган ишончни йўқотмаслик учун ўз даромадидан кечиб бўлса ҳам ликвидлиликни сақлаб туришга мажбурдир.

Ўзбекистон банк амалиётида пандемия натижасидаги инқироз ҳолатида тижорат банкларининг ликвидлилигига салбий таъсир этадиган бир қатор омиллар мавжуд.

*Биринчидан,* ўз вақтида кўрилган амалий чоралар натижасида тадбиркорлар ва аҳолининг жами 19,5 триллион сўмлик кредит қарзларини тўлаш муддати 1 октябргача кечиктирилди. Бунда банкларга ушбу шартлар бажарилганда кредитлар сифати бўйича қайта кўриб чиқилган, деб таснифланмайди. Ҳеч шубҳасиз, бу тадбиркорлар ҳамда аҳоли учун ҳам, тижорат банклари учун ҳам катта имтиёз ва мадад бўлди. Лекин бу банкларнинг ликвидлилигини пасайтиради. Чунки банк ҳисоб рақамларига шу миқдордаги ҳамда унга ҳисобланган фоизлар кеч тушади. Бу муддат оралиғида банкларнинг қўшимча ресурсларга талаби ошади. Иқтисодий ҳаракатсизлик натижасида эса таклифни шакллантириш ёки ошириш муаммоси пайдо бўлиши мумкин.

*Иккинчидан,* Марказий банк ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун банклар орқали 30 триллион сўм айланма маблағлар ажратади. Бу банкларга қўшимча ресурслар берилиши билан боғлиқ бўлмайди.

*Учинчидан,* тижорат банкларига тушадиган маблағлар камайиши хўжалик субъектлари орасида ўзаро товар ва хизматлар алмашинувини ҳам сустлаштиради.

*Тўртинчидан*, миллий валютанинг кескин девальвацияси. Бу, аввало, хорижий валютадаги кредитлар қайтишида муаммони юзага келтирса, иккинчидан, импорт қилинадиган хом ашёларга боғланган ишлаб чиқаришнинг камайишига ёки тўхташига, пировардида банкларда кредитлар сифати пасайишига олиб келади.

*Бешинчидан,* халқаро пул ўтказмаларининг камайиши. Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш учун уни самарали бошқариш зарур. Бунинг учун иккита йўналиш — захираларни доимий назорат қилиш ва захираларни бир хил даражада сақлаб туришни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш жоиз.

### «Йўл харитаси»даги чоралар

Айни пайтда банк тизими фаолиятини кенг трансформация қилиш, шунингдек, банк бизнесини юритишнинг замонавий моделларини жорий қилиш борасида белгиланган вазифалар Марказий банк ва тижорат банклари ўзаро ҳамкорлигининг амалий ҳамда самарали шаклларини қўллашни тақозо этмоқда. Бундай ёндашув пандемия шароитида аҳолида банк тизимига бўлган ишончни шакллантиришга ва уни оширишга хизмат қилмоқда.

Банкларни трансформация қилиш жараёнида мижозлар талаблари ортиб бориши муқаррар ва бу борада илғор инновацион банк хизматларининг сифатли кўрсатилмаслиги ишонч камайишига олиб келиши мумкин. Натижада мижозлар банкларни алмаштиришга, яъни бошқа банк хизматларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шунинг учун банклар мижозларининг талабларига биноан фаолиятини трансформация қилиши, янада аниқроқ айтганда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги банк хизматларини яратиши тақозо этилади.

Шу нуқтаи назардан, тижорат банклари ташкилий тузилмасини қайта кўриб чиқиши асносида уни халқаро стандартларга мослаб такомиллаштириш, кредитлаш шартларини соддалаштириш муҳим жиҳатлардан саналади. Қолаверса, бизнесга йўналтирилган корпоратив бошқарув ва Кузатув кенгашларини жонлантириш, замонавий банк хизматларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши зарур.

### Қандай камчиликлар кўзга ташланмоқда?

Республика банк соҳасининг ҳозирги ҳолати таҳлили тизимда давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг пастлиги каби тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Уларни бартараф этиш учун банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни хатловдан ўтказиш, Марказий банк ҳузуридаги Қайта тайёрлаш корпоратив марказида, аввало, жойлардаги банк ходимлари учун банклар трансформациясини тушунтириш бўйича ўқув дастурларини ташкил этиш лозим.

Давлат иштирокидаги банкларнинг аксарияти давлатнинг мақсадли фондларидан пул маблағлари билан таъминланиб, давлат улуши бор корхоналарга ва давлат лойиҳаларига имтиёзли асосда кредит сифатида берилмоқда. Ушбу кредитлар доимий равишда реструктуризация (муддатини узайтириш ёки бошқа шартларини кўриб чиқиш) қилиб борилади, бу эса банкларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда даромадига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли банк тизимида давлат улуши ва аралашувини камайтириш мақсадида давлат иштирокидаги банкларни халқаро ҳамда маҳаллий инвесторларга сотиш чоралари ишлаб чиқилмоқда.

Амалиётдан маълумки, барқарор ва юқори иқтисодий салоҳиятга эга инвесторлар ҳамкорлик қилувчи давлат ёки корхонага, қачонки, лойиҳаси юқори иқтисодий самара бера олишига қатъий ишонч ҳосил қилсагина, маблағ йўналтиради. Шунинг учун банк тизимида инвестицион лойиҳаларнинг сифат ҳамда миқдор кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

### Ҳамкорлик ривожланишга йўл очади

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан биргина 2018 йилда 30 дан ортиқ хорижий давлатлар ва халқаро молия институтлари раҳбарлари билан олий даражадаги музокаралар олиб борилиб, 180 дан зиёд икки томонлама шартнома ҳамда келишувлар имзоланганини алоҳида қайд этиш зарур. Зотан, уларнинг самараси бугун кўзга ташланмоқда.

Ҳозир мамлакатимиздаги 6 та банк молиявий диагностика, истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни бошлаган. Бироқ бу етарли эмас. Бу давлатимиз раҳбари томонидан бир неча бор таъкидланди.

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ ноодатий шароитда банкларнинг кредит портфели ва лойиҳалар сифатини ошириш масаласи ҳам алоҳида эътибор талаб этади. Бу борада Марказий банк томонидан ўтказилган стресс-тестлар натижаларига кўра, муаммоли кредитлар улуши бир неча баробар кўпайиши мумкинлиги аниқланган, бу эса, ўз навбатида, банк тизими учун жиддий хатар ҳисобланади.

Ҳозир Молия вазирлигига банклар устидан Кузатув кенгашида акциядор сифатида назоратни кучайтириш вазифаси юклатилган. Давлат улуши бор банкларнинг Кузатув кенгашида жами 14 та хорижий мустақил экспертлар жалб қилинган ҳамда йил якунига қадар Молия вазирлиги ўз олдига чет эллик мустақил экспертларнинг давлат банклари Кузатув кенгашидаги улушини 30 фоизга етказишни мақсад қилиб қўйган. Бундан кўзланган мақсад, банкларнинг бизнесдаги ҳар қандай сиёсатини самарали бошқариш ва банк раҳбарияти томонидан эҳтимолий коррупция ҳолатлари содир этилишининг олдини олишга қаратилган тизимни яратишдир.

Шу муносабат билан муаммоли кредитларни ҳудудлар кесимида батафсил таҳлил қилиб, кредит портфели сифатини сақлаб қолиш бўйича таъсирчан механизм ишлаб чиқиш асосида Марказий банкка барча тижорат банкларининг кредит портфеллари хатловдан ўтказилгач, қийин аҳволга тушиб қолган ҳар бир мижознинг молиявий имкониятини тиклаш бўйича аниқ чораларни ишлаб чиқиш юзасидан вазифа юклатилган.

Президентимиз давлат активлари бор тижорат банкларида ҳукуматдан олинган маблағлар ҳиссаси ҳамон юқорилигини танқид қилиб, банклар молиявий ресурсларни давлат ёрдами ва кўмагисиз, мустақил жалб қилиши зарурлигини қайд этганди. Бундай кредитлар улуши "Қишлоқ қурилиш банк" АТБда 41 фоиз, "Ипотека-банк" АТИБда 32 фоиздан иборат. Ўтган йили банкларга давлат кафолати остида қарийб 600 миллион долларлик кредит линиялари жалб қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 570 миллион долларни ташкил қилади.

Аҳолининг жамғарма ва муддатли депозитлари улуши эса йирик банкларда 5 фоизни ташкил этади, холос. Шунинг учун Марказий банкка тижорат банкларига аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича қўшимча таклифлар ишлаб чиқиш топшириғи берилган. Қолаверса, бу борада юқорида номи келтирилган Фармонда кўплаб вазифалар белгилаб берилган.

### Ишга замонавий ёндашув — давр талаби

Дунё миқёсида ҳар бир давлат ўз имконият ва вазиятидан келиб чиққан ҳолда коронавирус пандемиясига қарши турли ечимларни жорий этмоқда. Бу таклиф қилинаётган йўналишларнинг қайси бири энг самарали эканини аниқлаш осон иш эмас. Шу сабабли ҳукуматимиз томонидан жаҳон тажрибасини кузатиш билан бирга, ўз имкониятларимиз доирасида инқирозни тез ва самарали енгиш мақсадида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари пандемия шароитида банк тизимининг барқарор ишлаши ҳамда иқтисодиётга молиявий кўмакчи бўлишини таъминлаш мақсадида жаҳон иқтисодиётидаги ҳолатларни ҳисобга олиб, банкларнинг лойиҳалар портфелини танқидий кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Банкларга маблағларни устувор равишда кичик бизнес субъектларига янги иш ўринлари яратиш ва уй шароитида ўзини ўзи банд қилиш учун йўналтириш тавсия этилди.

Карантин даврида ҳам аграр соҳадаги ишлар тўхтамаганини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги тармоқларига бириктирилган тижорат банклари ҳозирнинг ўзида янги лойиҳаларни кўпайтириши лозимлиги қайд этилди. Марказий банкка ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун банклар орқали 30 триллион сўм айланма маблағлар ажратилишини таъминлаш топширилди. Зарур ҳолларда, корхоналарга иш ҳақи тўлаш учун кредитлар ажратилишини йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди. Масофавий хизмат кўрсатиш турлари ва қамровини кенгайтириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Мамлакатимизда пандемия ҳамда карантин билан боғлиқ мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, банк тизимида масофадан туриб, онлайн режимда ишлаш имкониятлари кенгайтирилди.

Жаҳон амалиётида глобал муносабатлар молиявий технологияларнинг жадал ривожланишига замин яратиб, янги P2P-кредитлаш, онлайн-скоринг, алгоритмик савдо ва шунга ўхшаш хизматларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги кунда банк тизими жаҳон молия бозорига интеграциялашувини жадаллаштиришда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиши лозим, деб ўйлаймиз. Яъни:

банклар иш услубини ўзгартириши (бунда ҳар бир мижозга йўналтирилган ўз стратегиясини ишлаб чиқиши);

пандемия давридаги муаммоли кредитларни танқидий ўрганиши;

банкнинг олис ҳудудлардаги мижозлари молиявий аҳволини таҳлил қилиши;

ҳар бир мижозга индивидуал ёндашиши;

ахборот технологиялари ва коммуникацияни ривожлантирган ҳолда, аҳолига сифатли банк хизматларини онлайн шаклда тақдим этишнинг инновацион янги турларини жорий қилиши;

рақамли банкинг молиявий хизматларни мобиль ва онлайн-платформалар орқали амалга оширишда вақт ва харажатларни тежаши;

шахсий маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини ошириши;

молиявий ҳолати ёмонлашган хўжалик субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун маблағлар ажратиши ва бу орқали иш ўринларини тиклаши;

камбағалликни қисқартиришга қаратилган чораларни кўриши;

дастур ва лойиҳаларни молиялаштиришда қуйи қатламларгача ўрганиш ҳамда чуқур таҳлил қилиши;

ходимлар фаолиятини KPI тизими орқали баҳолаш ва назоратини олиб бориши;

коррупцияга қарши курашишда самарали механизмни яратиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**А. АЗЛАРОВА,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети Банк иши ва инвестициялар кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди.**

*Яқин келажакда жаҳоннинг мутараққий давлатлари қаторига кириш учун ёш авлодда инновацион тафаккурни шакллантириш, илмий-техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқларини, юксак самарали ва тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш зарур. Инновацион тафаккур ўз-ўзидан шаклланиб, рақамли иқтисодиёт ўз-ўзидан қарор топиб қолмайди. Бу кадрлар тайёрлаш ҳамда таълим тизимини замон талабларига мос ислоҳ қилиб боришни тақозо этади. Шундагина кадрларимиз ҳам, иқтисодиётимиз ҳам рақобатбардош бўлади.*

*Пандемия ва синовли кунлар ташвишлари билан юрт тараққиётида жуда муҳим ўзгаришларга, келажак ютуқларимизга пойдевор бўлиб хизмат қиладиган таълим соҳасидаги ислоҳотлар моҳиятини барчамиз ҳам тўла англаб етаётганимиз йўқ. Шу йилнинг 7 май куни қабул қилинган Президентнинг "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ана шундай пойдевор бўлувчи омиллардан биридир.*

## Математик нигоҳ




Қарорда математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишнинг устувор йўналишлари белгиланди. Унга асосан мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал, олий таълим ҳамда илмий муассасалар ўртасидаги яқин ҳамкорликни таъминловчи яхлит тизим вужудга келади. Илғор хорижий тажрибалар ҳисобга олиниб, мактабгача ёшдаги болаларда илк математик тасаввурларни ҳосил қилиш бўйича замонавий педагогик технологиялар жорий қилинади. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида математика фанларини ўқитиш сифати оширилади, ҳудудларда бу фанга ихтисослаштирилган мактаблар фаолияти тубдан яхшиланади, янги мактаблар ташкил этилади.

Кейинги ўн йилда математика ихтисослигини битирганларнинг рўйхати аниқланиб, салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш учун улар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва ёрдам бериш устида ишлар кетмоқда. Математика фани бўйича кадрларни, хусусан, қишлоқ жойлардаги мактабларнинг ўқитувчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тизими ривожлантирилади, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари такомиллаштирилади, иқтидорли ёшларни аниқлашга эътибор кучайтирилади. Таълим беришнинг онлайн платформасини яратиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, масофадан ўқитиш услубининг самарадорлигини ошириш, баҳолаш усуллари шаффофлигини таъминлаш механизмлари, фанни билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий сертификатлаштириш тизими жорий қилинади.

Қарорда илмий тадқиқотларнинг ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, амалий математикани ривожлантириш ва иқтисодиёт тармоқларидаги муаммоларни математик моделлаштириш асосида оптимал ечимларини ишлаб чиқиш устувор вазифалар қаторига киритилган. Шунингдек, математик таълим олаётган ҳамда илмий тадқиқотлар билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, чет элдаги олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш, мамлакатимизнинг илмий ҳамда таълим ташкилотларини босқичма-босқич жаҳоннинг етакчи илмий марказлари даражасига етказиш ҳам бу борада белгиланган устувор вазифалардан ҳисобланади.

### Мантиқий фикрлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришни ўргатади

Хўш, қарорнинг мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз турмушидаги аҳамияти нимада? Нега шунча фанлар орасидан айнан математикага алоҳида урғу беріляпти? Чунки математика мантиқий изчил фикрлашга, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга ўргатади. Математик тафаккур сиёсатчиларни, иқтисодчиларни, барча соҳа вакилларини далиллар, асослар етарлича бўлмаса, шошиб хулоса қилишдан тияди. Далилларни, вазиятни, оқибатлар вариантларининг эҳтимоллигини ҳаққоний баҳолашга ундайди.

XIX асрнинг улуғ мутафаккирларидан бири "ҳар бир фаннинг илмийлиги унинг математикадан қай даражада фойдаланиши билан белгиланади", деганида тамомила ҳақ эди. Лекин асосий сабаб булар ҳам эмас. Жамиятнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг бундан кейинги тараққиёти, ҳатто келажак тақдири математикага таянадиган янги технологияларга боғлиқ. Шу боис олий таълимнинг барча йўналишида математикани ўқитишнинг йўлга қўйилаётгани, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига ҳам Ўзбекистон тарихи билан бирга шу фаннинг киритилаётгани (бу йил пандемия муносабати билан тўхтатилди) ҳам бежиз эмас.

Ҳаётимизда бирор-бир жабҳа йўққи, математикага эҳтиёж сезмаса. Муқобил энергиялар тизимидан йирик саноат корхоналари тизимлари бошқарувигача, қўлимиздаги оддий смартфондан "ақлли уй", "ақлли шаҳар" борасидаги мўъжизакор лойиҳаларгача — кундан-кунга ривожланиб бораётган барча замонавий технологияларнинг негизида, албатта, буюк бобомиз Ал-Хоразмийдан мерос алгоритмлар ва замонавий математик моделлаштириш ётибди. Шулар асосида рақамли технологиялар ривожлантирилмоқда. Рақамли иқтисодиёт шакллантирилмоқда.

Замонавий жамият, олимлар фикрига кўра, тўртинчи саноат инқилоби арафасида, ҳатто бошланиш босқичида яшамоқда. Тўртинчи саноат инқилобининг асосий белгиларидан бири сунъий интеллект асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни автоматлаштириш, роботлаштириш, энергиянинг янги ҳамда тикланадиган муқобил турларидан фойдаланиш, керакли хоссалар ва сифатга эга сунъий материаллар яратишдир. Ушбу жараёнлар марказида математик усуллардан фойдаланиш туради.

Бугунги илмий-техника тараққиётини белгилаётган нанотехнологиялар, биотехнологиялар ҳамда АКТ шундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мўъжизаларни яратмоқдаки, бу жараён ҳозирдаёқ инсоният шу пайтгача қилган кашфиётларидан бир неча карра қимматлироқ аҳамият касб этмоқда. Аммо бу уч технологиянинг ўзи сунъий интеллектни ярата олмайди. Бунинг учун когнитив технологиялар ҳам зарур. Аввало, сунъий интеллектни юзага чиқарувчи "математик тил" яратилиши керак.

Маълумки, тафаккур тил орқали юзага чиқади. Тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалар, сўз бирикмалари, нутқ, тил орқали ифодаланади. Тил имо-ишора, нутқ ёки ёзув шаклида ёхуд ҳар хил рақамлар, рамзлар, формулалар воситасида намоён бўлиши мумкин. "Машина тили" учун шаклнинг унчалик аҳамияти йўқ. Аммо ахборотни ифодалашда тежамли, содда, формаллаштирилган, сонияда компьютер бир неча триллион вариантларни ҳисоблаб, биттасини танлашга қулай бўлгани маъқул. ЭҲМ (компьютер) яратилганидан буён математик лингвистика ривожланмоқда. Дастлаб алгол (алгоритмик лингвиж) ва фортран (формула транслейшн) каби тиллар яратилди. Бугун "компьютер тили"нинг янада мукаммал янги шакллари мавжуд. Улар тўхтовсиз такомиллашиб бораётир.

Юқоридаги тўрт, балки қўшимча яна қандайдир янги технологиялар асосида сунъий интеллект яратилиб, келажакда уч-тўрт соатлик иш кунига ўтилиши керак.

**Технологиялар шунчалик тез янгиланмоқдаки, илгаригидек олий ёки ўрта махсус ўқув юртида олган билимлари билан камида 25 — 30 йил ишлайдиган мутахассисни тайёрлаш имконсиз. Энди бўлажак мутахассисга базавий билим ҳамда кўникма бериб, унга ўз устида ишлашни, фан-техника ютуқларини, янгиликларни мустақил ўзлаштиришни ўргатишимиз керак.**

Ишлаб чиқариш автоматлаштирилиб, роботлаштирилиб, оқибатда инсоннинг маънавий юксалиши учун ўзига сарфлайдиган вақти кўпайиши лозим. Бу сингари эзгу мақсадларга эришиш эса математикани етарлича билишни тақозо этади. Мактабни тамомлаган битирувчи шундай кўникма ва малакага эга бўлиши зарурки, компьютерда ўзига зарур бўлган дастурни ярата олсин.

Масалан, келажакда "ақлли" машиналар, дўконлар, буюмлар, ускуналар туфайли ҳайдовчи деган касб 98 фоизгача, сотувчи эса 96 фоизгача қисқариб кетиши башорат қилинмоқда. Автомобилга ўтирасиз, навигаторда манзилни белгилайсиз, автоуловнинг ўзи сизни кўзлаган жойингизга олиб боради. Ёхуд уйда туриб, мобиль телефонингиз орқали супермаркетга буюртма бериб, электрон тўловни амалга оширасиз. Бир оз муддатдан сўнг эшигингиз остида махсус қутига жойланган буюртмангиз тайёр туради. Ҳозирги чангютгичдан катта бўлмаган рўзғор роботи уй юмушларининг аксариятини бажаради. Шу тарзда кўплаб анъанавий касблар йўқолиб ёхуд замонавийлашиб бораверади. Булар — асло фантастика эмас, бизни эрта-индин кутаётган турмуш тарзидир.

### АКТ, математик моделлаштириш, инновацион тафаккур

Хуллас, юқорида таъкидлаганимиздек, янги тўртинчи саноат инқилобига ўтадиган бўлсак, юзлаб анъанавий ишчи касбларнинг йўналишлари, мазмун-моҳияти кескин ўзгариб кетади. Бу таълим тизимини қуйидан юқоригача тўлиқ ислоҳ этишни талаб қилади. Оддий токарь ёки тикувчи корхонадаги ўнлаб дастгоҳларга керакли дастур асосида вазифа юклаб ва назорат қилиб, бир неча баробар кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариши лозим. Муҳандис-техник ходимлар эса инновацион ғоялар, ишланмалар ташувчисига айланиши керак. Яқин ўн йилда битирувчиларнинг 50 фоизи олий таълимга қамраб олиниши ҳам ижтимоий эҳтиёждир.

Демак, мамлакатимизда математика ўқитилишига қаратилаётган эътибор замирида келажакнинг талаби ётибди. Биз, ўзбеклар дунёнинг шиддаткор оқимининг оддий кузатувчиси бўлиб, йўл ёқасида унинг "чанг"ида қолиб кетамизми ёки шу оқим ичига кириб олиб, бошқалар билан рақобат қиламизми? Агар шу оқимда кетишни, янги тараққиёт довонларини забт этишни астойдил истасак, аввало, рақобатбардош, инновацион фикрлайдиган кадрларни етиштиришимиз шарт. Бу эса бутун таълим тизимини, айниқса, олий таълимни сифат жиҳатидан яхшилашни, биринчи навбатда, математика таълимига эътиборни кучайтиришни тақозо этмоқда. Президент қарори, кўриниб турибдики, ҳаётий заруратдан келиб чиққан.

Технологиялар шунчалик тез янгиланмоқдаки, илгаригидек олий ёки ўрта махсус ўқув юртида олган билимлари билан камида 25 — 30 йил ишлайдиган мутахассисни тайёрлаш имконсиз. Энди бўлажак мутахассисга базавий билим ҳамда кўникма бериб, унга ўз устида ишлашни, фан-техника ютуқларини, янгиликларни мустақил ўзлаштиришни ўргатишимиз керак. Бу олий ва ўрта махсус таълимни кредит-модуль тизимига ўтказишни тақозо этади. Шунда талабада мустақил изланиш, ижодий фикрлаш, билимларини амалиётда синаб кўриш кўникмалари тезроқ ҳамда самаралироқ шаклланади. Айни шу мақсадни олий таълимни ишлаб чиқариш билан узвийроқ боғлаш, назарий таълимни амалий таълим билан уйғунлаштириш вазифаси ҳам кўзлайди. Яқин 10 йилда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни дастурлаш ҳамда автоматлаштиришга талаб кескин ўсади. Шунингдек, корхонани модернизация қилишни, бозор талабларини, таклифлар ва рақобат туғдирадиган хавф-хатарларни мунтазам моделлаштириб бориш керак бўлади. Бундан амалий математика ҳамда АКТ ишлаб чиқаришда қанчалик аҳамият касб этиши аёнлашмоқда. Шу боис бутун олий таълимни, жумладан, математик таълимни амалиёт талабларига мослаштириш ҳаётий заруратдир.

Давлатимиз раҳбари бир миллион дастурчини тайёрлаш вазифасини кун тартибига қўйди. Улар барча соҳада ишлаши, жараёнларни оптималлаштирадиган, қулайлаштирадиган, соддалаштирадиган, арзонлаштирадиган дастурларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этишлари зарур. Айтайлик, келгусида соғлиқни сақлаш тизимида минглаб дастурчилар бўлиши зарур. Бугун ҳаётимизга кириб келаётган, бизни анчагина ҳайратга солаётган "электрон поликлиника" тизимию телемедицина келажак тиббиёти олдида ҳеч нарса бўлмай қолиши турган гап. Ҳар бир қишлоқ врачининг шахсий компьютерида юзлаб, минглаб тиббий консилиумлар ва муолажалар дастури бўлмоғи, у касаллик симптомлари ҳамда биокимёвий анализ натижаларига оид ахборотни киритиб, зарур тавсиялар, даволаш алгоритмини олмоғи даркор. Бунинг учун унга, шубҳасиз, амалий математика ва АКТ кўникмалари етарлича ўргатилмоғи лозим.

### Қарор ижроси концепцияси

Президентнинг мазкур қарори ижроси доирасида олий таълим тизимида, хусусан, Қарши давлат университетида ҳам математика соҳасида таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқилган. Булар математика йўналишларида мутахассислар тайёрлаш ҳамда ўқитиш сифатини кўтариш қаторида илмий тадқиқотларнинг натижадорлиги ва амалий аҳамиятини юксалтириш сингари икки компонентда амалга оширилади.

Биринчи компонент доирасида қуйидагилар кўзда тутилмоқда.

Аввало, математика чуқурлаштириб ўтиладиган синф битирувчилари математика факультетида улар учун белгиланган мақсадли параметрлар доирасида ўқишга қабул қилинади. Математика бўйича билим, малака ва кўникмалар талаб этиладиган бошқа таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг ўқув режаларида математика фани учун ажратиладиган соатлар ҳажми оширилади. Кадрлар истеъмолчилари вакилларини жалб этган ҳолда, битирувчиларда соҳага оид математика бўйича амалий билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган лойиҳа ишлари йўлга қўйилмоқда. Мутахассисларни интегратив фанлараро тайёрлаш мақсадида математика таълим йўналишларида қўшимча фанларни (биология, геология, кимё, физика ва бошқалар) жорий қилиш чоралари кўрилмоқда.

Университетда юқори малакали математикларни грант асосида тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси кўпайтирилди. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш корхоналарининг техник-технологик масалалари ечимини математик усуллар орқали ҳал этишга қодир бўлган малакали кадрлар тайёрлаш, математик таълимда фанлараро интеграцияни таъминлаш кўзда тутилмоқда. Мазкур компонентда ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган бошқа бир қатор вазифалар ҳам ўрин олган.

Иккинчи компонент доирасида эса, хусусан, олий таълим тизимида математика таълими ва фани ривожланиши танқидий таҳлил қилинмоқда.

Битирувчиларда математика бўйича амалий билим, малака ҳамда кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ишланмоқда. Фаннинг ўқув-методик дастури мазмуни соҳаларга мослаштирилади. Олий таълим муассасаларида тегишли таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун олий математика фани бўйича ўқув машғулотлар ҳажми оширилмоқда. Шунингдек, илмий натижалар халқаро илмий маълумотлар базасидаги илмий нашрларда эълон қилиниши, халқаро математиклар илмий ҳамжамиятига етказилиши ҳамда улар томонидан эътироф этилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланмоқда.

### Амалий ишларга киришдик

Бу борада университетда қатор аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика институти билан университетимиз ўртасида 2018 йилда ҳамкорлик шартномаси тузилган. Унга кўра, Математика институти профессорлари талабаларимизга дарс ўтмоқда. Жорий йилда эса талабаларимиз Россиянинг Новосибирск Федерал давлат университети, Красноярск Федерал давлат университети профессорлари маърузаларидан баҳраманд бўлдилар. АКТ ва амалий математикани ўқитиш, юксак малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлаш бўйича Беларусь Республикасининг Янка Купала номидаги Гродно давлат университети ва Новосибирск Федерал давлат университети билан ҳамкорликни бошладик.

2018 йилдан буён университетимизда математика бўйича таянч докторантура мавжуд. Ҳозирги кунда 4 нафар докторант таҳсил олмоқда. 2021 йил учун Фанлар академияси Математика институтидан мақсадли докторантурага бир нафар ўрин олинди. 2020 йилдан бошлаб юртимизда математика соҳасида магистратурага қабул юз фоиз давлат гранти асосида бўлади. Бу имтиёз ҳам соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев йил аввалида Олий Мажлисга Мурожаатномасида Шарқ донишмандларининг бир ҳикматига урғу берганди: "Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!". Тараққиётнинг янги довонлари сари илм ва маърифат дурбини ҳамда ўткир математик нигоҳ билан бўйлаётган эканмиз, мана шу ҳаётий ҳикматдан ўзимизга сабоқ чиқариб, энг катта бойлигимиз салмоғини ошириш учун астойдил интилмоғимиз зарур.

**Баҳодир ШОИМҚУЛОВ,**
**Қарши давлат университети ректори,**
**Абдураҳим ЭРКАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

ЭЪЛОНЛАР

**Аукцион савдолари хабарномаси**

**«KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ**

***мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

2020 йил 25 август куни соат 11.00 да ташкил қилинадиган савдога «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Миробод тумани филиалининг буюртмасига асосан, банк ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мулклар алоҳида ЛОТ тартибида такроран чиқарилмоқда.

**1-ЛОТ.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси 91/1-уй, Блок-А манзилида жойлашган, умумий майдони 1138,0 кв. метр, қурилиш майдони 1056,0 кв. метр, фойдаланиш майдони 1737,36 кв. метрдан иборат бўлган 9 қаватли ва ертўлали бинонинг 1 ҳамда 2-қават қисмида жойлашган Ижтимоий, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

***Бошланғич баҳоси 27 689 669 176 (Йигирма етти миллиард олти юз саксон тўққиз миллион олти юз олтмиш тўққиз минг бир юз етмиш олти) сўм.***

**2-ЛОТ.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик ҳалқа автомобиль йўли кўчаси, 2/1-уй, 5-хонадон манзилида жойлашган умумий майдони 193,69 кв. метр, яшаш майдони 128,33 кв. метрдан иборат бўлган 5 қаватли уйнинг 5-қаватидаги тураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси 1 584 578 580 (Бир миллиард беш юз саксон тўрт миллион беш юз етмиш саккиз минг беш юз саксон) сўм.***

**3-ЛОТ.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик ҳалқа автомобиль йўли кўчаси, 2/2-уй, 5-хонадон манзилида жойлашган умумий майдони 193,69 кв. метр, яшаш майдони 128,33 кв. метрдан иборат бўлган 5 қаватли уйнинг 5-қаватидаги тураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси 1 584 816 297 (Бир миллиард беш юз саксон тўрт миллион саккиз юз ўн олти минг икки юз тўқсон етти) сўм.***

**4-ЛОТ.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик ҳалқа автомобиль йўли кўчаси, 8-уй, 5-хонадон манзилида жойлашган умумий майдони 193,69 кв. метр, яшаш майдони 128,33 кв. метрдан иборат бўлган 5 қаватли уйнинг 5-қаватидаги тураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси 1 584 334 767 (Бир миллиард беш юз саксон тўрт миллион уч юз ўттиз тўрт минг етти юз олтмиш етти) сўм.***

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдоси 2020 йил 25 август куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 29 декабрь кунига қадар ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари савдо санасидан бир кун олдин (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлаши ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси ва ИНН (СТИР) нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси ҳамда савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 30 банк иш куни муддатида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» MChJ, ҳ/р: 20208000900759233001, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 304815549.

Аукцион савдоларига қўйилган мулк билан банк ходими ёки аукцион ташкилотчиси ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғони. Тел.: 99-862-16-71. E-mail: kmfiauksion@mail.ru.**

Лицензия № RR-0297.

**Муассаса шаклидаги «Эъзоз ва Меҳр» нодавлат нотижорат ташкилотининг тугатилиши тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2016 йил 8 февраль куни 771-сон билан рўйхатдан ўтказилган муассаса шаклидаги «Эъзоз ва Меҳр» нодавлат нотижорат ташкилотининг ягона таъсисчиси «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг 2020 йил 17 августдаги 2-2020-сонли тугатиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Муассаса шаклидаги «Эъзоз ва Меҳр» нодавлат нотижорат ташкилоти 2020 йил 17 августдан бошлаб ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги маълум қилинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй. СТИР: 303 785 628 Тел.: 95-513-14-03.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси Навоий вилояти ҳокими, Қўмита аъзоси Қобул Турсуновга онаси

**РУҚИЯ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти жамоаси институт директори, академик Равшан Собировга онаси

**Ҳосила ҒУЛОМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.45 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6